

3. Гулбоев А.Т. Аспекты и особенности целостного педагогического процесса. //Вопросы науки и образования. 2021. №. 10 (135).
4. Гулбоев А. Т. Педагогик таъхис воситасида ўқитувчилар малакасини узлуксиз ошириш.. Педагогика. фан. ном. 2010.
5. Гулбоев А. Т. Формирование профессиональных компетенций экономистов. //Вестник науки и образования. 2020. №. 5-2 (83).
6. Жураев Б. Т. Гуманизация дидактических отношений между учителем и учащимся в педагогических идеях Востока //VIII Лазаревские чтения" Лики традиционной культуры в современном культурном пространстве: ренессанс базовых ценностей?". 2018.
7. Жураев Б.Т. Деятельность педагога по гуманизации учебновоспитательного процесса //Научные школы. Молодежь в науке и культуре XXI в.: материалы междунар. науч.-творч. форума. 2017. Т. 31.
8. Жураев Б.Т. Некоторые вопросы наставничества в педагогическом наследии Хусаина Воиза Кошифи //Социально-культурная деятельность: векторы исследовательских и практических перспектив. 2016.
9. Ходжаев Б.К., Жураев Б.Т. Повышение нравственно-эстетической культуры слушателей института повышения квалификации работников народного образования //Экономика.
10. Ходжаев Б. К., Ходжаев Б. Б. Подготовка студентов педагогического факультета к формированию эстетической культуры у школьников //Формирование патриотизма у молодежи средствами социально-культурной деятельности: векторы исследовательских и практических перспектив. 2016.
11. Ortiqov O.R. O'qituvchi faoliyatida pedagogik deontologiya va kompetentlikning roli va ahamiyati //Scientific progress. 2021. T. 2. №. 5.

РЕЗЮМЕ. Biz bu maqolada ta'lim sohasida asosan maktabgacha ta'lim yo'nalishida faoliyat olib borayotgan pedagoglarning kasbiy mahoratini shakllantirish asoslari, ularning vazifalari va kasbiy mahoratni oshirish texnologiyalari haqida bayon qilamiz.

РЕЗЮМЕ. В данной статье мы описываем основы формирования профессионального мастерства педагогов, преимущественно работающих в сфере дошкольного образования, их задачи и технологии повышения квалификации.

SUMMARY. In this article, we describe the basics of professional skill formation of pedagogues, who are mainly working in the field of preschool education, their tasks and technologies of professional skill improvement.

ОНА ТИЛИ ТАЪЛИМ МАЗМУНИ ОРҚАЛИ ЛИНГВИСТИК КОМПЕТЕНЦИЯ ШАКЛЛАНТИРИШ

С.С.Тажбенова – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: лингвистик компетенция, ёндашув, билим, муаммо, ғоя, назарий билим, субъект.

Ключевые слова: лингвистическая компетенция, подход, знание, проблема, идея, теоретическое знание, субъект.

Key words: linguistic competence, approach, knowledge, problem, idea, theoretical knowledge, subject.

Бугунги кунга қадар бошланғич синфларда ўқувчиларнинг кейинги босқичларда касбий, маънавий-ахлоқий тарбиясига мустақкам пойдевор яратувчи таълимни барқарор тараққий эттириш асносида она тилин ўқитишга катта эътибор берилиб, дарсларда ўқувчиларни таълим субъектига айлантириш уларнинг тил ходисаларини тадқиқ этишларини уюштириш, шу йўл билан мустақил хулоса чиқаришларига эришиш, олган билимларини нутқий амалиётда татбиқ этиш қуникмаларини шакллантириш юзасидан изланишлар олиб борилмоқда. Шунга қўра ҳам бошланғич таълим босқичида ўқувчиларга назарий билимларни амалда қўллашни ўргатиш долзарб аҳамият касб этади.

Лингвистик компетенция тилининг қонун-қоидаларига амал қилган ҳолда тил бирликларини онгли ва тўғри қўллай олиш малакаси билан тавсифланади. Шундай компетенцияси шаклланган киши ўзининг адабий тилда саводли фикр баён қилиши билан ажралиб туради. Бу даражага инсон таълим босқичларида ўқиб-ўрганиш орқали эришади. Албатта, бу борада мактабдаги она тили таълимининг тўғри танланган мазмуни, тўғри амалга оширилган таълимий тадбирларнинг хизмати бекиёс.

Бошланғич синфлар она тили таълими мазмуни орқали лингвистик компетенцияни шакллантириш учун пойдевор қўйилади. Бу даврда она тилининг қонун-қоидаларини қай даражада эгаллаш мумкин, деган савол туғилиши табиий. Шубҳасиз, саволга ўқув фани давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларида белгиланиб, амалиёт натижалари асосида тобора стабиллашиб бораётган таълим мазмуни билан жавоб бериш жоиз. Бу борада она тили ўқитувчиларининг таълим мазмуни юзасидан тўплаган илғор иш тажрибаларини оммалаштириш ҳам муҳим роль ўйнайди

Бошланғич синфлар она тили дарсларида икки хил компетенция (нутқий компетенция ва лингвистик компетенция) устида иш олиб борилади. «Умумий ўрта таълимнинг Давлат таълим стандарти» да белгиланган нутқий компетенция хориж методист олимлари тавсифлаган лингвистик компетенцияга, лингвистик компетенция тавсифи эса тил компетенциясига ўхшаш мазмунда белгиланади. Бунга «Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида Она тили фанини ўқитишнинг асосий вазифаси» ҳам ишора қилади:

ўқувчи шахсини фикрлашга, ўзгалар фикрини англашга, ўз фикрини оғзаки ҳамда ёзма шаклда саводли баён қила олишга қаратилган нутқий компетенцияни ривожлантириш;

ўқувчиларда грамматикага оид ўзлаштирилдиган билимларни (фонетика, лексикология, сўзнинг таркиби, сўз ясалиши, морфология, синтаксис, ёзув ва имло, тиниш белгилари, нутқ услублари, стилистикага оид тушунчаларни) ривожлантириш;

она тилининг кенг имкониятларидан унумли фойдаланган ҳолда тўғри ва раён баён эта олишни ривожлантиришга қаратилган лингвистик компетенцияларни шакллантиришдан иборат [1].

Бошланғич синф она тили таълими мазмуни ва методларига компетенциявий ёндашув таълим самарадорлигини янги сифат даражаси мезонлари асосида баҳолашда ўз ифодасини топади. Ушбу даража нутқий ва лингвистик компетенцияларнинг шаклланиши билан тавсифланади

Грамматик билимларни талаб қилдиган ҳолатларда аввал лингвистик компетенция, кейин тил ходисалари бўйича тегишли билимларнинг ҳосил бўлишига қараб нутқий компетенция устидаги иш олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Грамматик билимларни талаб

қилмайдиган ҳолатларда эса нутқ ўстириш ишлари мухтор йўналиш сифатида амалга оширилаверади.

Бошланғич синфларда лингвистик компетенциянинг қай тарзда шаклланиши, шаклланиш жараёни қандай кечиши хусусида ҳали ҳам аниқ бир ечимга келингани йўқ. Одатда, муаллифлар ўқувчиларнинг таълим мазмунини ўзлаштиришларига доир умумий талаблар ҳақида гапирадилар, мавзуларни ўрганиш жараёнини компетенцияларни ҳосил қилиш сари йўналтириш борасида таклиф ва тавсиялар баён қиладилар.

Р.А.Йўлдошев, Л.Р.Миржалоловалар лингвистик компетенциянинг шаклланиш жараёнини куйидагича тушунтирадилар: «Одатда, она тилидан ҳар гал янги мавзунини ўрганиш жараёнига компетенциявий ёндашув жорий этилса, билим → кўникма → малака чизигида олиб бориладиган таълимнинг пировард натижаларига (малака талабларига) тўлиқ эришиш шарт, яъни ушбу чизикнинг охиригача нуктаси – малака шаклланган босқич таъминланиши шарт: малака ҳосил бўлса, компетенция қўлга киритилди деб саналиши мумкин. Аён бўладики, кўникма ҳосил бўлгандан кейинроқ компетенция шаклланимайди, чунки компетенция билимни ўзлаштириш, амалда қўллаш кўникма ва малакаларидан юқори турувчи ҳолат: лаёқат ёки қобилият, таълимнинг пировард натижаси, маҳсулдир» [2]. Муаллифларнинг изоҳлашича, «...билим, масалан, қаратқич келишиги, унинг сўроқлари, -нинг кўшимчаси ёрдамида ҳосил қилиниши ҳақидаги маълумот тегишли савол-жавоблар ёрдамида хотирада олиб қолинади, ниҳоят, қаратқич келишиги айтилганда, сўроқлари ва кўшимчаси автоматик ёдга келадиган бўлади: лингвистик компетенция шаклланади» [2].

Лингвистик компетенция даражаси тил бирлигини тўғри қўллай олиш билан тавсифланар экан, унинг баркамоллигига коммуникатив компетенция орқали эришилади: фикр баён қилаётганда кимгадир ниманидир хабар бериш, бунда овозни мулоқот вазиятига мослаш, таъсирчанликни таъминлаш ва кўпгина муомала-аралашувга ҳос оҳанг жиловларига эътибор беради. Маълум бўладики, коммуникатив компетенция лингвистик компетенциянинг тўлақонли шаклланишини таъминлайди. Бошланғич синф она

тили дарсларида масаланинг бу жиҳатлари эътибордан четда қолмаслиги керак.

Лингвистик компетенциянинг шаклланишга доир билимлар тил бирликлари эгаллаш мазмунида ишлаб чиқилса, нутқий компетенциялар нуктаи назардан улар коммуникативликка йўналтирилган бўлиши лозим. Т.В.Лебедеванинг изоҳлашича, «Коммуникатив компетенция – бу ўзгаларни тушуниш ва мулоқот максадлари, соҳалари, вазиятларига монанд шахсий нутқий хулқ-атвор дастурини яратиш лаёқатидир» [3]. Ўқувчи ўзида лингвистик компетенцияни шакллантирар экан, эгаллаган билимларидан бошқалар уни тушуна оладиган қилиб тўғри, оҳангига эътибор бериб гапиришда фойдаланишдан ташқари, тенгдошларининг нутқидаги ютуқ ва камчиликларга эътиборли бўлиб, баъзан ўз тушунчалари билан ўртоқлашишлари ҳам керак бўлади.

Бошланғич синфлар она тили дарслари нутқий фаолият турлари тақозо этадиган реал ҳолатлар: талаффуз, имло ва бошқа хил хатоларни бартараф этиш учун хизмат қиладиган билимларнинг ҳаммасини қамраб олишнинг иложи йўқ, албатта. Масалан, морфологик шакллар кўп, улар содда ёки мураккаблашган қўлланиш ҳолатида бўладики, таълим мазмунига уларнинг барчасини киритиш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Лекин бундай билимлар ўрганилмайдиган дарсларнинг кўп бўлиши ҳам ножоиз: таълим мазмуни оптимал берилмоғи даркор. Бошланғич синф она тили дарслари кейинги босқич таълим мазмуни учун муносиб пойдевор бўла олиши, она тилининг бойлигига йўл очиб бериши керак. Бу бойлик қирраларидан бир йўналиши сўз маънолари, морфологик шакллар маънолари, синтактик қурилмалар маънодошлиги каби тил ҳодисалари орқали намоён бўлади.

Хуллас, лингвистик компетенция нутқий фаолият турларининг (нутқни тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш, ёзиш) бўйича уч хил таълим мазмуни унсурларидан ташкил топади: тилнинг қонун-қоидалари, тил бирлигини тўғри қўллай олиш, фикрни коммуникативликка асосланган ҳолда баён қилиш қоидалари. Шундагина лингвистик компетенциянинг шаклланишида баркамоллик таъминланиши мумкин.

Адабиётлар

1. Умумий ўрта таълимнинг Давлат таълим стандарти: // Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами. 2017. 141-141-б.
2. Yo‘ldoshev R.A., Mirjalolova L.R. Ona tili ta’limida kompetensiyaviy yondashuv. – Toshkent: Fan va texnologiyalar Markazining bosmaxonasi», 2019, 7-8-b.
3. Лебедева Т.Л. Формирование языковой компетенции на уроках русского языка: Материалы Августовская конференция 2016 г. Балтийск: МБОУ СОШ № 5.

РЕЗЮМЕ. Мазкур мақолада бошланғич синф она тили таълими мазмуни ва методларига лингвистик компетенцияни шакллантириш йўллари ҳақида баён этилган.

РЕЗЮМЕ. В данной статье описаны способы формирования лингвистической компетенции к содержанию и методам обучения родному языку в начальной школе.

SUMMARY. This article describes the ways of forming linguistic competence to the content and methods of teaching the native language in elementary school.

EFFECTIVE APPROACHES OF TEACHING WRITING

F.M.Tlektsov – trainee teacher

D.M.Yusupova – MA student

Nukus state pedagogical institute named after Ajiniyaz

Tayanch so‘zlar: boshqariladigan yondashuv, jarayonli yondashuv va janr yondashuvi, yozish malakasi, parafrazlash.

Ключевые слова: контролируемый подход, процессный подход, жанровый подход, письменная компетентность, перефразирование.

Key words: controlled approach, process approach, and genre approach, writing competence, paraphrasing.

It is generally accepted that teaching writing is considered challenging by many language teachers. In point of the fact that writing competence encompasses methods for structuring and developing arguments at the micro and macro levels in addition to word choices, sentence variations, punctuation choices, and other linguistic tools

for cohesion and coherence. Adopting a writing pedagogy that explicitly teaches students how to think in ways that are good for writing is crucial. From the middle of the 1940s until the middle of the 1960s, controlled composition was widely used in writing classes. Based on the behaviorist view that repetition and imitation will lead to